O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 10 MART ◆ SHANBA ◆ № 31 (26.733)

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Қурбон ҳайити муносабати билан Сизга ўзимнинг самимий табрикларимни йўллаш ҳамда Сизнинг биродар халқингизга катта бахт ва равнақ тилашдан ғоят мамнунман.

Сапармурод НИЁЗОВ,
Туркманистон Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сизни ва биродар Ўзбекистон халқини муборак Қурбон ҳайити байрами билан табриклашга ижозат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва ютуқлар, ўзбек халқига эса тинчлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

Асқар АКАЕВ,
Қирғизистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Ийд ал-Адҳо байрами муносабати билан Сизга самимий табрикларимиз ва эзгу тилакларимизни йўллаб, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, оқилона раҳбарлигингиз остида қардош халқингизга доимий тараққиёт ва фаровонлик тилашдан беҳад мамнунмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама муносабатларни халқларимиз манфаатларига мос тарзда ривожлантиришга қатъий ишонч билан қарашимизни таъкидлаймиз.

Энг яхши тилакларимиз ва эҳтиромларимизни қабул қилишингизни сўраймиз.

Муҳаммад ОЛТИНЧИ,
Марокаш Подшоҳи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Ийд ал-Адҳо кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, қардош мамлакатингиз халқига хайр-баракот, мусулмон уммати-га эса катта шон-шуҳрат ва фаровонлик тилайман.

Айёмингиз муборак бўлсин!

Камоли эҳтиром ила,

Али Абдулло СОЛИҲ,
Яман Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Муборак Ийд ал-Адҳо кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллаш менга чексиз сурур бахш этади.

Ушбу қувончли дамларда Қодир Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон халқи ва мусулмон уммати-га хайр-баракот ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Эҳтиром ила,

Биродарингиз

Абдуллоҳ бин Абдулазиз ас-САУД,
Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди,
Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари,
Миллий гвардия бошлиғи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига қизғин табрикларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, мамлакатингизнинг биродар халқига эса доимий тараққиёт тилайман.

Шайх Мактум бин Рошид ал-МАКТУМ,
Бирлашган Араб Амирликлари Вице-Президенти ва Бош вазири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Қурбон ҳайити муносабати билан Сизни Туркия Республикаси ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий табриклаб, энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Самимий ҳурмат ва эҳтиром ила,

Булент ЭЖЕВИТ,
Туркия Республикаси Бош вазири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларимни йўллаб, шахсан Сизга сиҳат-саломатлик, биродар Ўзбекистон халқига эса доимий фаровонлик ва тараққиёт истаб билдираётган тилакларимни изҳор этиш менга катта мамнуният бахш этади.

Ушбу қутлуғ айём бутун мусулмон уммати-га мустаҳкам аҳиллик ва бирдамлик ато этсин.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Саъд ал-Абдуллоҳ ас-Салим ас-САБОҲ,
Қувайт Давлати Валиаҳди ва Бош вазири

Ўзбек ўғлони каратэсига жаҳон ҳайратда

■ Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ТАДБИРКОР АЁЛ АМЕРИКАГА БОРАДИ

Тадбиркорлар айни кунларда юрт ривожи, мамлакат тараққиёти учун баҳоли қудрат ўз улушларини қўшмоқда. Ана шундай тадбиркорлардан бири Гулчеҳра Ҳайдаровадир. Гулчеҳра опа мустақилликнинг дастлабки йилларида Денов шаҳри марказида «Гулнора» хусусий фирмасини ташкил этган эди. Бугун бу фирмада 40 дан ортиқ хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Улар миллий урф-одатларимизнинг гултожи бўлмиш ўзбегимнинг ўлмас санъати — кашта, сўзана, зар дўппи, чопон, келинлар либоси, хуллас, аждодларимизнинг зардўзлик маҳсулотларини авлодларга етказмоқда. Узоқ йиллар қаъридан сўзлагувчи момоларимизнинг ўлмас ҳис-туйғуларини бугунги ёшлар ипак жилоларида янада ёрқинроқ намоён этмоқда.

— Ўтган йили 21 миллион сўм фойда олдик, — дейди тадбиркор раҳбар. Айни кунларда 20 турдан ортиқ маҳсулотлар республикамиз бозорларида сотилмоқда. 1998 йилда «Йилнинг энг яхши тадбиркори» деб эътироф этилган Гулчеҳра Ҳайдарова яқинда Америкага боради. У АҚШнинг нодавлат ташкилоти ҳомийлигида ўзбекнинг ўлмас санъати намуналарини океан ортига намойиш этмоқчи. Портло штатида бўладиган кўргазмага қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Қолаверса, америкалик тадбиркорлар билан ҳам ўзаро тажриба алмашилади. Бир ой давом этиши режалаштирилган ушбу сафардан тадбиркор Гулчеҳра Ҳайдарованинг умиди катта.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЛИЗИНГ ИШЛАЙ БОШЛАДИ

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси айни вақтда ташкил этилди. Негаки, қишлоқ хўжалигида танг аҳвол вужудга келгани, техника воситаларининг яроқсиз бўлиб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас эди. Хўжаликлар янги техника сотиб олишга имкон топишолмаётганди. Компаниянинг Қашқадарё вилоят филиалининг дастлабки қадамлари бу муаммоларни ҳал қилишга қаратилди.

Шаҳрисабз туманидаги Амир Темур, Улуғбек номли, Қарши туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» хўжалиги «ТТЗ-80», Касби туманидаги Х. Хўжақулов номли хўжалик «МТЗ-82» ва «МХ-132» русумли тракторларни харид қилишди. Янги йилнинг дастлабки ойидаёқ 71 миллион сўмдан ошиқ техника воситалари сотилди. Ҳозир 40 та хўжалик компания билан шартнома тузган. Шартлар қулай. «МТЗ-82» русумли трактордан ташқари бошқа техникалар нархининг 15 фоизи олдиндан, қолгани етти йил ичида тўланади. Ҳозир яна 70 та хўжалик билан шартнома тузиш юзасидан келишув-битишув кетаяпти.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ЭНДИ НАВБАТ ДАРАХТГАМИ?»

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

«Ўзбекистон овози»нинг шу йил 18 январь сонида чоп этилган «Энди навбат дарахтгами?» сарлавҳали танқидий мақола вазирлик раҳбарияти ва мутахассислар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Газета ўта долзарб мавзуни кўтариб, хайрли ишга қўл урганидан жуда мамнунмиз.

Ҳақиқатан ҳам сўнгги вақтларда яшил бойлигимиз бўлган турли-туман дов-дарахтларни пулга ружу қўйган, инсоний қадр-қимматини йўқотган айрим кишилар томонидан кўр-кўрона кесиб сотиш ҳоллари учрамоқда. Энг ачинарли томони шундаки, улар орасида мевали дарахтлар ҳам бор. Вазирлигимиз ходимлари мақолада тилга олинган Тошкент туманидаги «Бозор-савдо» қурилиш бозорида бўлганларида бунга ишонч ҳосил қилдилар. Бозор маъмурияти, Ҳасанбой қишлоқ фуқаролар йиғини раиси билан хўл дарахтлар савдосига йўл қўймаслик ҳақида келишиб олинди.

Вазирлик раҳбарияти барча вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларининг бошлиқларига, ўрмон хўжалиги мутахассислари ва назоратчиларига жойларда мевали ва манзарали дарахтларнинг бундай хўжасизларча талон-торож қилиниши ҳолларига қарши кескин курашиш чора-тадбирларини қўллаш вазифасини юклади. Шу билан бирга хўжаликларнинг раҳбарлари зиммасига дарахтлар парваришига алоҳида эътибор бериш, баҳор мавсумида теварак-атрофни кўкаламзорлаштириш ва кўплаб мевали ҳамда манзарали кўчатлар экиш топшириғи берилди.

■ **Вазир ўринбосари А. ЖЎРАЕВ**

* * *

Тошкент вилояти ҳокимлиги:

«Ўзбекистон овози»да чоп этилган «Энди навбат дарахтгами?» сарлавҳали мақола Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижасида кўтарилган муаммолар вилоятимизда ҳақиқатда мавжудлиги аниқланди. Хусусан, ўтган 2000 йилда вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан 50 дан ортиқ ноқонуний дарахт кесиш ҳоллари бўйича айбдорлар маъмурий жазога тортилиб, 10 та хўжалик раҳбаридан табиатга келтирилган зарарни ундириш бўйича даъволар қўзғатилган.

Кўрсатилган камчиликларни келгусида бартараф этиш мақсадида қўмитанинг шу йил 30 январь куни кенгайтирилган йиғилиши ўтказилиб, унда 2001 йилда бажариладиган чора-тадбирлар бўйича қарор қабул қилинди.

Вилоят ҳокимлиги ушбу чора-тадбирларнинг бажарилишини ўз назоратига олган.

■ **Ҳокимнинг биринчи ўринбосари Х. АСАТОВ**

* * *

Андижон вилоят ҳокимлиги:

«Энди навбат дарахтгами?» номли мақолада билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни маълум қиламиз:

Мазкур мақолада республикамизнинг баъзи вилоятларидаги бир қатор камчиликлар кўрсатиб ўтилганлигини инобатга олиб, бу каби ҳолатлар вилоятимизда ҳам рўй бермаслигини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан мутасадди корхона ва ташкилот раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берилди. Ушбу кўрсатмаларга асосан, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан рўзномада кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш бўйича 2001 йил учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, унда мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиш ҳамда мавжуд ҳар бир дарахтларни асраб-авайлаш белгиланган.

Юқоридаги масала юзасидан амалга оширилаётган ишларни вилоят ҳокимлиги доимий назоратга олган.

■ **Ҳоким ўринбосари С. ЮСУФОВ**

* * *

ТАҲРИРИЯТДАН:

«Энди навбат дарахтгами?» сарлавҳали мақола газетада чоп этилган куниёқ, унда кўтарилган муаммолар юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини истаб, мақола республика мутасадди ташкилотларига ва вилоят ҳокимликларига жўнатилганди. Гувоҳи бўлганингиздек кўп жойлардан жавоб хатлари келмоқда. Улардан кўриниб турибдики, газетада кўтарилган муаммо ўта долзарб ва миқёси кенг. Кўр-кўрона дарахт кесиш ҳоллари, айниқса, шахсий эмас, балки хўжаликка, умумжамиятга тегишли бўлган дарахтзорларни ўғринча кесиш республикамизнинг ҳар бир вилоятида учраши бор гап. Шунинг учун ҳам вилоятлар мутасаддиларидан келаётган жавоб хатларида билдирилаётган фикрлар, қўлланилаётган чора-тадбирларни қониқарли деб баҳолаш мумкин. Аммо шундай жавоб хатлари ҳам келмоқдаки, гўё бу муаммо уларга тегишли эмас. Масалан, Сурхондарё вилоят ҳокимлигидан бир парча қоғоз келди. Унда «Мақола Самарқанд вилоятига тегишли бўлганлиги сабабли қайтарилмоқда» деган жумла битилган, холос.

Буни қандай тушуниш мумкин? Наҳотки, улар бу муаммо бизда ҳам бор эмасмикин, деган истиҳолага боришмаган бўлса?! Ё газак отиб кетгачгина кураш бошланадими? Ҳарқалай, Сурхондарё вилоят ҳокимлигидан келган жавобга таажжубда қолдик.

ФУТБОЛИМИЗ ШУҲРАТИНИ ОШИРАЙЛИК

БУГУН ЎЗБЕКИСТОН ЎНИНЧИ МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ БАЙРОҒИ КЎТАРИЛАДИ

Ҳамиша орзиқиб кутилган дамлар — футбол баҳорига марҳаболар айтганмиз. Зеро, бугун Ўзбекистон футболининг шуҳратини янада ошириш ҳақида мулоҳаза юритиш жоиздек кўринади. Боиси футболимиздаги бугунги аҳвол унинг яқин келажакдаги истиқболидан дарак бермай турибди. Куни кеча республика футбол федерацияси ижроқўмининг навбатдан ташқари йиғилишида ҳам шу ҳақда мулоҳазалар айтилди.

Федерация раҳбарлари, футболнинг мутахассис-мутасаддилари ўзбек футболи нуфузини ошириш билан боғлиқ жиддий масалалар хусусида куюниб сўзладилар.

Маълумки, республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорида Ўзбекистонда футболни ривожлантириш асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида муҳим жиҳатлар баён қилинган. Ўтган қисқа давр мобайнида мазкур қарорни амалга ошириш билан боғлиқ катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, футбол клубларининг профессионал мақом олиши, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, халқаро талабларга мос ўйинлар ўтказиш учун шароитлар яратиш бўйича ҳаракатлар қилинди. Аммо... Ўтган йили Осиё чемпионатидаги шармандали мағлубиятдан кейин ўзбек футболида ўзига хос туб ислоҳотлар қилиш зарурлиги кўзга ташланди.

Мавсум арафасида ҳакамлару футболчиларни ўзига хос синовдан ўтказиш чоғида яна бир ташвишли муаммо борлиги ойдинлашиб қолди. Ҳакамлардан бир қанчаси тест синовларидан ўтолмагани каби айрим футболчиларнинг ўз жисмоний ва руҳий имкониятларидан етарли фойдалана билмасликлари мутахассисларда ташвиш уйғотди. Бу ҳаммаси ўша қарорда таъкидланганидек, мамлакатда оммавий ва профессионал футболни янада ривожлантириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, футболчиларнинг янги авлодини тайёрлаш ва тарбиялаш, ватанимиз футболининг халқаро нуфузини оширишга етарли аҳамият берилмаётганини кўрсатади. Ваҳоланки, Ўзбекистон жисмоний тарбия институтига 1996 йилдан бошлаб мураббийлар тайёрлаш бўйича 75 ўринли квот ажратилган. Хўш, кейинги йилларда бу билим масканини битириб чиққан қайси мураббий, қайси жамоада ўзига хос ўнгланишлар қилди? Назаримизда бу борада ҳали мураббийлар малакасини янада ошириш, уларга назарий педагогик билим беришни чуқурлаштириш зарурат бўлиб турибди. Шунга эришиш керакки, билим олаётган ҳар бир мураббий назарий ва амалий жиҳатдан етук бўлиб, бу борада илғор хорижий тажрибалардан ижобий фойдалана билсин. Замонавий футбол анча илгарилаб кетди. Бугунги футболчида нафақат маҳорат, керак бўлса ўз касбига, Ватанига меҳр бўлиши талаб этилади.

Умуман, турли мамлакат ва шаҳарлардаги футбол жамоаларида тўп сурувчи легионерларимизнинг кўпайиши бизга фақат фойда келтиради. Шу кунларда Александр Саюн, Андрей Фёдоров, Павел Бугало, Миржалол Қосимов, Зафар Холмуродов, Даврон Файзиев каби йигитларимиз легионер сифатида маҳорат оширмоқдалар. Москва спартакчилари билан 4 йилга шартнома тузган Ж. Ирисметов футболимизга моддий ва маънавий наф келтириши мумкинлиги қувонарли, албатта.

Нима бўлганда ҳам футболимизнинг эртаси ҳақида кўпроқ ўйлаш билан бирга шу йилги чемпионатни ташкилий ва тадбирий жиҳатдан халқаро талабларга мос ва хос бўлишини таъминлаш давр талаби.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ**

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ижроия бюросининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда бошланғич партия ташкилотларининг, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши III пленуми қарорларини амалга ошириш бўйича, вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама этилди ҳамда «Оналар ва болалар йили»га бағишланган тадбирлар режаси қабул қилинди.

* * *

ХДП Фарғона вилоят кенгашида бўлиб ўтган шаҳар, туман кенгашлари биринчи котиблари семинар-кенгашида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил қилишга доир, республика Президентининг фармойишини ижро этишда партия ташкилотларининг иштироки ҳамда ХДПдан сайланган депутатлар фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

* * *

ХДП Марғилон шаҳар кенгашининг пленумида 5-боғча мудираси, ҳудудий бошланғич партия ташкилотининг котиби, Марғилон шаҳар кенгаши депутати Дилором Аҳмедованинг ахбороти тингланди.

* * *

ХДП Бўстонлиқ туман кенгаши ҳузуридаги «Таянч» ёшлар клубининг навбатдаги учрашувида, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини ташкил этиш билан боғлиқ, долзарб муаммолар юзасидан, баҳс-мунозара бўлиб ўтди.

* * *

Халқ депутатлари Учқўприк туман Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳининг раҳбари Наримонқул Эсонов ташаббуси билан, 5-ўрта мактабда, «Ёшлар — бизнинг келажагимиз» мавзуида, «давра суҳбати» ташкил этилди.

* * *

ХДП Бекобод туман кенгаши, туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда, халқаро терроризм ва диний ақидапарастликка қарши кураш масаласига бағишлаб, «Огоҳлик — давр талаби» мавзуида, «давра суҳбати»ни ташкил этди.

* * *

ХДП Олтинкўл туман кенгашида, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» мавзуида, семинар бўлиб ўтди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Қорақўл туман кенгаши ўтказган бошланғич партия ташкилотлари котиблари семинарида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни жойларда ташкил қилиш вазифалари ҳамда партия ташкилотларининг ёшлар ўртасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

* * *

ХДП Самарқанд шаҳар кенгаши, Боғишамол туманидаги «Аёл» маркази билан ҳамкорликда, ўтказган «Аёл ва жамият» мавзуидаги семинарда аёлларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг фаоллигини ошириш тўғрисида атрофлича сўз юритилди.

* * *

Булоқбоши туман партия кенгаши, Б. Ражапов номли ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилотида, «Аёл борки олам мунаввар» мавзуида, кўрик-танлов ўтказди. Танлов ғолиблари ХДП туман кенгаши фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

* * *

Норин туман партия кенгаши, «Нилуфар» номли болалар боғчасида, «Сен азиз ва муқаддассан, аёл» мавзуида, Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган, тадбир ўтказди. Тантанада, ХДП сафига кирган, 15 нафар тарбиячига партия аъзолиги билетлари топширилди.

* * *

Худди шундай тадбирлар, баҳор байрами арафасида, ХДП Наманган туман кенгаши томонидан, «Самарқанд» ширкат хўжалигида ҳам, ўтказилди. Тадбир сўнггида, ўз тақдирини Ўзбекистон ХДП билан боғлаган, 30 нафар муносиб фуқароларга партия билетлари топширилди.

* * *

ХДП Тўрақўрғон туман кенгаши, касб-ҳунар лицейида, «Она — буюк зот» мавзуида, байрам тадбирини ташкил этди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Андижон шаҳар кенгаши, Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий бўлинмада, бобурхонлик кечасини уюштирди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ҲАР БИР ОИЛАНИНГ «ДАМАС»И БЎЛАДИ

Самарқанддаги ҳудудий «Ўзавтотеххизмат» олиб бораётган ишлар таҳсинга лойиқдир. 2001 йилнинг икки ойи мобайнида аҳоли томонидан имтиёзли автомашиналарни сотиб олиш учун 100 дан зиёд талаблар тушди. Айниқса, қишлоқ аҳолисининг талаби «Дамас», «Тико» автомашиналарига ортиб бораётганлиги сезилмоқда. Шу мақсадда Самарқанд «Ўзавтотеххизмат» ходимларининг унумли ва узлуксиз бажараётган ишлари эвазига 500 млн. сўм пул Самарқанд вилояти хазинасига енгил автомашиналар сотилишидан туширилди. Аҳоли талабини тўлиқ қондиришда ҳисобчи Лиана Галстян, автомобилларни манзилга етказиб берувчи Шокир Раҳмонов ҳамда автотеххизмат доирасидаги мақсадли ишларнинг бажарилишига раҳбарлик қилаётган бош муҳандис Анатолий Терлаевнинг хизматлари салмоқли эканлигини айтиш жоиз.

■ **Ўткир ПЎЛАТ**

«БУХОРО» УНИВЕРСИАДАГА ШАЙЛАНМОҚДА

Бухорода мамлакат талабаларининг II универсиадаси бўлиб ўтади. Шунинг учун қадимий шаҳарда бу катта байрамга тараддуд бошлаб юборилди. Маълумки, асосий беллашувлар шаҳардаги «Бухоро» ўйингоҳида ўтказилади. Ўйингоҳнинг ҳозирги аҳволи эса ҳеч кимни қониқтирмайди. Камида 30 минг томошабин жойлашадиган ҳолга келтириш учун эса ўйингоҳни қайта реконструкция қилиш талаб этилади. Бунга эса камида 2,5 миллиард сўм маблағ керак. Ҳозир меҳнат жамоалари бу ишга ўз улушларини қўшиш истагини билдирмоқдалар. Бундан ташқари, шариф шаҳардаги олий ўқув юртларида ҳам универсиадага пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Нишон туманидаги «Истиқлол» болалар ижодкорлик марказида 23 та йўналиш бўйича болалар ва ўсмирлар ижодиётини ривожлантириш бўйича ибратли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, бичиш-тикиш, зардўзлик, ўлкашунослик, қуроқчилик, ёш қаламкашлар, болалар фольклори каби тўгараклар шулар жумласидандир.

— Тўгаракларнинг барчасида болалар ва ўсмирлар ўзларининг қизиқишларига қараб жамланган, — дейди марказ раҳбари, халқ маорифи аълочиси Руқия Кенжаева. — Бу ёшларнинг келажакда етук мутахассис бўлиб етишишида ёрдам беради.

Суратларда: *1. Зардўзлик тўгараги раҳбари Шоҳиста Умбарова шогирдлари Гулшода Зулфиқорова ва Ўғилой Эшевалар билан.*

2. Тикувчилик тўгараги раҳбари Наргиза Қувонова ёшларга сабоқ бермоқда.

■ **Абдурасул ПАРДА олган суратлар**

КОНСТИТУЦИЯНИ ЎРГАНАМИЗ

МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш мустақилликнинг қўлга киритилишиданоқ бошланди. Зотан, Мустақиллик Декларациясининг қабул қилиниши ҳуқуқий давлат қуришнинг дастлабки оламшумул қонуний актларидан бири бўлди. Ўзбекистонда миллий давлатчиликни қарор топтиришда Конституция муҳим босқич бўлди, мустақилликни мустаҳкамлаш ва келажакда уни янада ривожлантириш учун пухта, барқарор сиёсий-ҳуқуқий асосларни белгилаб берди.

Ҳуқуқий давлат Ўзбекистонда яшовчи барча табақа ва гуруҳларнинг, фуқароларнинг умуминсоний ва миллий инсонпарварлик қоидаларига асосланган жамиятни шакллантиради. Конституция миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, тенглигини таъминлайди. Ўзбекистон Республикасида халқ давлат ҳокимиятининг асосий манбаи бўлиб, давлат ҳокимияти халқ манфаатларини ҳимоя қилади. Бу ҳақда Конституциянинг 13-моддасида шундай дейилган: ***«Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади».***

Ҳуқуқий давлат сари бораётган давлатимиз тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, давлат ҳокимият органлари, қонуннинг асосий вазифаси фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир. Бирон бир давлатда инсон ҳуқуқлари поймол қилинса, бундай давлатнинг келажаги инқирозга етаклайди. Қабул қилган Конституциялари қоғозда қолиб кетган собиқ советлар тузуми тарихида бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шу ўринда Конституциянинг ҳуқуқий давлат қурилишининг асосий воситаси бўлишидаги омилларига тўхталсак. Конституция — бу нафақат асосий қонун, шу билан бирга бошқа меъёрий ҳужжатлар ва қонунларга манба ҳамдир. У давлатнинг олий қонуни бўлиб, давлат ва жамиятнинг ёки ижтимоий муносабатларнинг маълум бир қисминигина эмас, ўзимиз истиқомат қилаётган фуқаролик жамиятининг барча муҳим жиҳатларини қамраб олади. Конституция ҳуқуқий тизимнинг ўзаги, ҳуқуқ ва қонунчилик тармоқларини ривожлантиришнинг юридик негизи бўлиб хизмат қилади. Қонунчиликнинг барча тармоқлари Конституцияга асосланади. Шунингдек, ҳуқуқий давлатнинг асосий шартларидан бири қонун устуворлиги, ҳар қандай масала юзасидан судга мурожаат қилиш мумкинлиги кабилардир. Булар тўла рўёбга чиқарилганда шахс ўзининг жамиятдаги қадр-қимматини ҳис қилади. Бунинг натижасида юртда тинчлик, осойишталик, ўзаро ҳурмат, қонунга тенг итоат қилиш барқарор бўлади. Зеро, ҳуқуққа асосланган, ҳуқуққа мувофиқ қабул қилинган ва қонун кучига эга бўлган актларни таъминлайдиган ва муҳофаза қиладиган, улар асосида фаолият олиб борадиган давлат ҳуқуқий давлат деб эътироф этилиши мумкин. Юқорида келтирилган фикрларимизнинг якунида шуни хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида том маънодаги ҳуқуқий давлатни бунёд этишда Асосий Бош Қонунимиз мустаҳкам пойдевор бўлади.

■ **Хуршид АБДУРАҲИМОВ, Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети магистри**

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ИШГА МЕҲР ҚЎЙГАННИНГ ЮЗИ ЁРУҒ

Одатда ғаловхўр юртдошларимиз лаззатли таом ҳақида гап кетганда, албатта, Хоразм гуручини кўз олдиларига келтирадилар. Бозорларда гуруч нархи сал кўтарилиб қолса, «Демак, бу йил Хоразмда шоли яхши бўлмабди-да», деб ташвишга тушадилар.

Ўтган йили Хоразм вилоятида ҳам сув тақчиллиги туфайли шолидан яхши ҳосил олинмади. Кўпгина хўжаликлар йиллик режаларини бажаролмай қолишди. Лекин қаловини топсанг қор ҳам ёнади, деганларидек тадбиркор деҳқонлар бор имкониятлардан унумли фойдаланиб, одатдагидан кўра мўл ҳосил кўтаришди. Бундан ташқари омборларда бурноғи йилларда етиштирилган ҳосил шолиси ҳам бор. Демак, гуруч бўлмай қолади, деб ташвишга тушишнинг ҳожати йўқ.

Буни Хоразм вилояти дон маҳсулотлари акциядорлик уюшмаси раҳбарлари ҳам тасдиқлашмоқда. Зеро, уюшмага қарашли қатор корхоналар жамоаси вилоят аҳолисини дон ва ун маҳсулотлари билан таъминлаш борасида ҳормай-толмай меҳнат қилишаётир.

Шуниси қувончлики, ўтган йили уюшмада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида муайян силжишларга эришилди. Авваламбор уюшманинг янги биносини бунёд этишга киришилди. Урганчдан 12 километр узоқликда ажойиб бино қад кўтарди. Шундан сўнг мажмуа қурилиши давом эттирилиб, шолини қайта ишлаш заводи ҳам қад кўтарди.

Орол денгизи фожиаси билан боғлиқ муаммолар туфайли минтақада вужудга келган оғир экологик вазият сабабли шоли камроқ етиштирилган бўлса-да, ғаллакорлар қийинчиликларга қарамай кўзланган режаларни муваффақиятли бажаришди. Янги ҳосил учун ҳам пухта замин яратиляпти. Айни пайтда ғалла экилган майдонлар кўзни қувонтиради. Демак, эртанги кундан, мўл ҳосилдан умид қилса бўлади.

Хонқа дон маҳсулотлари акциядорлик жамиятида 460 киши меҳнат қилади. Корхона цехларида замонавий хорижий технологик линиялар ўрнатилган бўлиб, бир кеча-кундузда 500 тонна буғдойни қайта ишлаш қувватига эга. Ҳозирча хомашё камроқ бўлгани боис кунига 300 тонна дон қайта ишланмоқда. Ишлаб чиқарилаётган биринчи навли ун харидоргирлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, кўплаб омухта ем ҳам тайёрланмоқдаки, бундан аҳоли ҳам, хўжаликлар ҳам, фермерлар ҳам мамнун.

Мана, олти йил бўлдики, корхона қошида макарон цехи ҳам фаолият кўрсатмоқда. Цехга Италиядан келтирилган технологик линиялар ўрнатилган бўлиб, улар самарали ишлаб турибди. Бир кеча-кундузда 3-3,5 тоннадан тайёр макарон тайёрланаётганлиги қувончлидир.

1999 йилнинг охирларида бу ерда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотлари одатда чириб, йўқ бўлиб кетарди. Ана шулардан сифатли шарбатлар ишлаб чиқариш ғояси туғилди. Ахир, турли концентратлардан тайёрланаётган чанқовбосди ичимликлар ўрнига саховатли заминимизда етиштирилган мева шарбатлари ишлаб чиқариш фойдали-ку.

Шу боис корхона қошида италиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда «Мева» қўшма корхонаси ташкил этишга киришилди. «Фенко» компаниясида тайёрланган технологик линия 2 миллион 720 минг АҚШ долларига сотиб олинди ва қисқа муддатда ўрнатилди. Унинг қуввати соатига 2 тонна мевани қайта ишлаш имкониятини беради. Айни пайтда қўшма корхонада 70 киши иш билан таъминланган. Уларнинг маоши ўртача 17-20 минг сўмни ташкил этмоқда.

Шовот дон маҳсулотлари акциядорлик жамиятида эса ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлдик. Тайёр маҳсулот ортилган машиналар карвони истеъмолчиларга жўнатилмоқда. Вагонлардан эса буғдой туширилаётир. Умуман бу ерда 203 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилар экан. Ўртача маош 15 минг сўмдан зиёд. Бундан ташқари акциядорлар йил якунларига кўра мўмайгина дивиденд ҳам олиб туришибди.

Аслида бу корхона 1985 йилда ишга туширилган бўлиб, ўтган йили қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Технологик жараёнлар янгиланди. Яъни, бош тегирмон Швейцариянинг «Бюллер» фирмаси технологик линияси асосида қайта жиҳозланди. Натижада корхонанинг қуввати бир кеча-кундузда 130 тонна унни қайта ишлаш даражасига етди.

Масъулияти чекланган «Хонқа гуруч» жамиятига қарашли «Дилором оби нон» цехида эса Хива шаҳри аҳолисига сифатли нон, булка маҳсулотлари етказиб берилаётир. Хива шаҳрининг 2500 йиллиги арафасида ишга туширилган бу цехда Германия технологик линияси ўрнатилган. Айни пайтда бу ерда ойига 35-40 тонна сифатли нон маҳсулотлари тайёрланиб, эл дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

— Умуман ўтган йили корхоналаримиз самарали ишлади, — дейди Хоразм дон маҳсулотлари акциядорлик уюшмаси раиси Ражаббой Ҳусаинбеков. — Барча имкониятлар ишга солинди. Айниқса, «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорациясининг ёрдами билан вилоятга кўплаб тонна буғдой келтирилди. Корхоналаримиз эса ана шу хомашёдан сифатли ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Ниятимиз бу йил яхши ишлаб янада ютуқларни кўпайтириб бориш.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

ЁШЛАР КЛУБИ ИШ БОШЛАДИ

Фарғонадаги Инвестицияни ривожлантириш нодавлат «Фарэкспортмарказ» ташкилоти ҳузурида «Иқтидорли ёшлар» клуби иш бошлади. Клубда тараққий этган давлатлар мисолида иқтисодиётни ва маданиятни ривожлантириш бўйича суҳбатлар, лекциялар ва семинарлар ўтказилмоқда. Ишбилармонлар, ёш олимлар, талаба ёшлардан иборат клуб қатнашчилари машғулотларда билим ва дунёқарашларини бойитиб, интеллектуал салоҳиятларини ошириб бормоқдалар.

Клубнинг навбатдаги илмий анжуманида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳудудий мухтор вакили бошқармаси бошлиғи Р. Сулаймонов, вилоят халқ таълими бошқармаси, сайёҳлик агентлик идораси мутахассислари юқоридаги мавзуларда жонли мулоқотлар ўтказдилар.

■ **Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ДАН ХАБАРЛАРИ

ЙЎЛОВЧИНИНГ «МАРИХУАНА»СИ

Яқинда «Бахт — 1» ДАН масканида «Nexia» русумли 17 F 5807 давлат рақамли автомашина тўхтатиб текширилганда, унинг йўловчиси — Асака тумани F. Ёқубов номидаги жамоа хўжалигида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1975 йилда туғилган Р. Ҳамроевга тегишли юклар орасидан 1 килограмм 200 грамм миқдорида «марихуана» гиёҳванд моддаси борлиги аниқланиб, Тошкент шаҳар ИИББ тергов бўлимига топширилди.

Бу текширувни шу куни масканда хизмат ўтаётган Тошкент шаҳри ИИББ ЙПХ командири К. Муродхўжаев, ЙПХ инспекторлари — милиция катта сержанти З. Ёдгоров, милиция сержанти А.Боймаковлар, ППХ ходими А. Ҳайдаров билан биргаликда ўтказганлар.

«ЖУК»НИНГ ОВИ ЮРИШМАДИ

Қува тумани ДАНБ ходимлари мол ўғриларини тутиб бердилар. Ўғрилар фойдаланган юк машинаси масалага ойдинлик киритди.

Қува тумани «Наврўз» жамоа хўжалигида яшовчи Зайнобиддин шу йилнинг 23 февраль куни эрталаб молхонасига кирса, бисотидаги 3 та қорамол йўқ. Нима бўлганига тезда ақли етган мол эгаси зудлик билан туман милициясига мурожаат қилди. Туман ДАНБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция капитани Носиржон Жўраев, ДАНБ ЙПХ инспектори, милиция катта сержанти Назиржон Бобожоновлар ўғирлик қилганликда гумон қилинган, Фарғона овчилар уюшмасига қарашли «ЖУК» русумли 3997 ФЕН давлат рақамли машинани тегишли далиллар асосида текширишганда молларни кимлар, қачон ва қандай қилиб ўғирлаб кетгани маълум бўлди. Ўғрилар Қува туманидаги «Қакирка» қишлоғида яшовчи Хайрулло Камолов ва унинг икки жиноий ҳамтовоқлари бўлиб чиқдилар. Мол ўғриларига нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

РАНГЛИ МЕТАЛЛ ҲАМДА «МАРИХУАНА»

28 февраль куни эрта тонгда Самарқанд шаҳар ИИБ ДАНБ инспекторлари — милиция старшиналари Н. Пўлатов, З. Муллажонов ҳамда милиция сержанти Р. Каримовлар «Самарқанд» мунтазам ДАН масканидан ўтаётган «КамАЗ-5320» русумли 14 F 9596 давлат рақамли юк машинасини тўхтатишди. Унга Ургут тумани «Акромобод» жамоа хўжалигида яшовчи Қурбонқул Тўйчиевга тегишли 1600 килограмм рангли металл парчалари юкланганди. Бу юк ҳеч қандай ҳужжатларсиз олиб кетилаётган экан. Қ. Тўйчиевга тегишли ҳужжатлар тўлдирилаётган пайтда у негадир ўзини шубҳали тута бошлади. Унинг ўзини ҳам синчиклаб текширишга тўғри келди. Кийимларининг «энг яширин» жойларидан 7 грамм миқдорда «марихуана» гиёҳванд моддаси топиб олинди. «Иш» Самарқанд тумани ИИБга топширилди.

■ **Анвар СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ДАНББ тарғибот-ташвиқот бўлими бошлиғи, милиция подполковники**

ГУЛЛАР ВА ШЕЪРЛАР

Ўлкамизга XXI асрнинг илк баҳори кириб келди. Файзли, тароватли кунларда дарахтларнинг гулгунчалари юз очди, ерлар жамоли яшнади. Табиат оналаримизнинг, опа-сингилларимизнинг кўнгилларидаги ҳарорат ва меҳр билан янада сўлим бўлди.

Баҳорнинг илк куни юртимизнинг 14 нафар қизи Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан мукофотланди. Маънавий ҳаётимиз заминига эрта баҳорданоқ эзгу ният билан ўн тўртта ниҳол экилди. Баҳор байрами бошланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида баҳор мушоираси бўлиб ўтди.

Мушоирани Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева бошқариб борди.

— Ватан нима?

— Ватан нима эмас, Ватан ким?

— Ватан бу — аёл!

Мушоирада Ватанни, Онани, Аёлни мадҳ этувчи шеърлар янгради.

Шарифа Салимова, Қутлибека Раҳимбоева, Шарофат Ботирова, Хосият Бобомуродова, Дилбар Бону, Гулжамол Асқарова... Ўттизга яқин шоиранинг шеърларидан баҳорнинг хуш бўйлари таралди, гулларнинг турфа хил ранглари яшнади.

Мушоирада шеър ўқиган шоираларни таниқли адиба Олмосхон Аҳмедова устоз Ғафур Ғуломнинг табаррук хонадонида очилган атиргуллар билан сийлади.

Гуллар ва шеърлар барчага завқ бағишлади.

■ **Рустам МУСУРМОН**

АБДУЛЛА ОРИПОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

КЎНГИЛ мавжлари

Замонавий ўзбек шеърияти улкан истеъдодларга бойлиги билан ажралиб туради. Аммо таассуфки, миллий адабиётшунослик Чўлпон, F.Ғулом, У. Носир, Миртемир каби улкан поэтик ҳодисаларнинг моҳиятини тўлиқ очиб беролган эмас. Шоир Абдулла Орипов ҳозирги ўзбек шеърияти тараққиёти йўналишини тайин этган, аммо ҳануз ижодининг моҳияти етарлича тадқиқ қилинмаган ана шундай истеъдод эгаларидандир. Бу ҳолни бир жиҳатдан шоир истеъдодининг бетакрорлиги билан изоҳлаш ҳам мумкин. Чунки чинакам бадиият мавжуд анъаналарни бузароқ, шаклланган қолипларни инкор этароқ алоҳида ва такрорланмас эстетик ҳодиса сифатида пайдо бўлади. Қонуниятни эса такрор бор жойдангина топиш мумкин. Маълумки, Абдулла Орипов шеърияти «ўзгалардан туйғу олмаслиги», яъни ўзига хослиги, қонуниятларга мувофиқ келавермаслиги билан ажралиб туради.

Адабиётшунослик тажрибасида бадиий матнга икки хил ёндашиш қарор топган. Биринчи хил ёндашувда тадқиқот учун бадиий матннинг ўзи бадиий-эстетик қадрият сифатида муҳим ва у матннинг бевосита ўзига тегишли ички жиҳатларини ўрганишга эътибор қилади. Иккинчи хил ёндашувда эса муайян матннинг юзага келишига сабаб бўлган ижтимоий асосни аниқлаш аҳамиятли ҳисобланади. XX аср ўзбек адабиётшунослигида шу вақтга қадар, асосан, иккинчи ёндашувдан фойдаланиб келинди ва бу борада бир қатор қимматли тажрибалар шаклланган. Жумладан, Абдулла Орипов шеърияти ижтимоий-детерминистик нуқтаи назардан етарлича ўрганилган, дейиш мумкин. Аммо соф бадиий-эстетик ҳодиса сифатида шоир феноменига хос хусусиятлар, унинг ижоди озиқланган илдизлар, шеърияти ва шахсияти ўртасидаги алоқадорлик, шоирнинг инсоний феъли ижодига кўрсатган таъсир сингари жиҳатлар тадқиқ этилмаган.

Абдулла Орипов ижодининг деярли барча намуналари муайян ҳаётий турткининг натижаси эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Шоирнинг катта-кичик барча асарларида даврнинг нуқсини, изини кўриш мумкин. Лекин бу излар шоир шеъриятида айнан шу тарзда поэтик моддийлашаётганлигининг сабаби илмий изоҳлаб берилган эмас. Унинг ўзига хос фикрлайдиган, ҳаёт ҳодисаларидан ўзга замондошларига қараганда бошқача таъсирланадиган ва бўлакча тасвирлайдиган шоир эканлигини таъминлаган омиллар ҳақида фикрлашиш фурсати етди. Бизнинг назаримизда, айни шу жиҳатлар Абдулла Орипов деб аталмиш улкан миллий эстетик ҳодисанинг моҳиятини англаш имконини беради.

Абдулла Орипов ижодига синчиклаб назар ташлаган киши унинг кўнгил кишиси эканлиги ва ижодида кўнгил манзаралари мухрланганлигини англайди. Унинг асл шеърларини кўнгил мавжлари дейиш мумкин. Ҳазрати Навоийнинг: «Кўнгил ҳолати сўз дегач билгурур», деган ҳақиқати унинг ижодида намоён бўлади. Покиза кўнгилнинг ҳолатини ифодалаш эҳтиёжи ўлароқ Абдулла Ориповнинг самимий шеърияти юзага келди. Унгача шўро шоирининг қулоғи замон юрагида, кўз партия оғзида бўлиши лозим эди. Шеърият ташқи олам ҳодисаларини ифодалаш воситаси эди. Чақириқ, даъват саналарди. Абдулла Орипов эса одамнинг ўзини, унинг шахси, туйғулар оламини асосий қадрият деб билди. Шу боис инсоннинг қалбини тадқиқ этиш эҳтиёжини туйди. Олдинлари одамнинг одамлиги фақат ижтимоий фаоллиги билан ўлчанар, баҳоси эса меҳнати билан белгиланарди. Омма, унинг истагу интилишлари муҳим ҳисобланиб, алоҳида одам шахсига хос жиҳатлар назарга олинмасди. Бадиий ижод учун қиёфасиз оломон, уни ундаш лозим бўлган «нурли» манзиллар муҳим эди. Абдулла Орипов оммани эмас, одамни тадқиқ этишга тутинди. У жамиятни билиш, унинг тартиботларини изоҳлаш, қонуниятларини англаш ва баён этишдан кўра, биргина одамнинг кўнглидан ўтганларини тушуниш ва ифодалаш неча баробар мушкул эканлигини биринчи бўлиб англаб етган ижодкор эди. Ана шу ҳолат унинг шеъриятига самимийлик, дардчиллик бахш этди.

Шеър ҳамиша дарддир. Камдан-кам ҳоллардагина қувончдан шеър туғилади. Шеър ғамнинг ўз фарзанди, қувончнинг эса асрандисидир. Чунки дунёдаги биринчи шеър Одам Ато томонидан ўғли Ҳобилнинг ўлими муносабати билан яратилган. Шўролар шеъриятида ғамни қуйлаш мумкин эмасди. Ҳатто ҳаётий фожиа туфайли пайдо бўлган:

«Бошим қўйсам қуйдирар болиш,
Мисраларим кўтарар нолиш»

сингари ўта шахсий мисралар ҳам шоир нега нолийди, нимадан нолийди, бахтли советлар замонида, умумхалқ саодатига эришилган даврда шўро шоири инжиқ шахсий туйғулар гирдобида қолишга ҳақлими тарзида эътироз уйғотарди. Шундай замонда мафкуравий шеърият қобиқларини ёриб чиқадиган, лирикани одамнинг кўнглига яқинлаштирадиган, алоҳида шахснинг кўнглини шеъриятга эвирадиган ижодкор зарур эди. Абдулла Орипов ҳазрати Навоий айтганларидек, «кўнгилда ғам йўқлиғи асру ғам, алам йўқлигини қоттиғ алам» деб биладиган шоир сифатида пайдо бўлди.

Абдулла Орипов шеърияти билан ўзбек лирикасига кўнгил дардлари сувратлари, орзу-армонлари, руҳий кечинмалар манзараси кириб келди. Бу шеърият юзага келган даврда шалдироқ сўзларни қофияга солиш, жаҳоний мавзуларда наъравор сатрлар тизиш одат эди. Мавзуни шеър эмас, балки шеърни мавзу мукаррам қиларди. Дунё ва ундаги оламшумул ҳодисалар ҳақида ҳайқириш талаб этиларди. Шоир алоҳида бир одамнинг ички дардлари ҳақида қалам сурди, ўйга ботди. Бу одам шоирнинг ўзи эди. Бинобарин, бир одам тўғрисида ҳайқириш, бақириш ноқулай, у ҳақда пичирлаб шеър ўқиш лозим бўлди. Чунки шовқин, баланд товуш одамни одамдан йироқлаштиради, самимийликдан маҳрум этади.

Абдулла Орипов шеърияти покиза туйғулар, исмсиз дардлар шовқининг ифодаси эди. Сокин бу шовқин туйғулар безовталигидан, руҳият товланишларидан юзага келганди. Ҳасратзада, озурдажон кўнгил мавжлари, комилликдан «юлдузлар қадар йироқ» руҳ эгалари мавжудлигидан озорланиш сувратлари бу шеъриятнинг манбалари эди. Бақириқлар, даъватлар шеърияти одамнинг қулоғига етиб борарди-ю, кўнглига инмасди. А. Ориповнинг пичирлаб айтилган самимий сатрлари ўзбекнинг кўнглидан жой ола бошлади. Чақириқ шеърлар қулоқ пардаларига таъсир қилган бўлса, сукунати кўпроқ самимий шеърлар кўнгил кўзидаги пардаларни йирта олди. Шеърхон ўзида нозик туйғулар борлигини, ҳиссиёти мавжланишини бехос пайқаб қолди.

Чинакам истеъдод учун даврнинг тазйиқлари, унинг чекловлари тўсиқ бўлолмайди. Истеъдод ана шу тўсиқларни енгибгина пайдо бўла олади ва ҳеч қайси замонда, ҳеч қандай шароитда асл истеъдод даврдан, вазиятдан марҳамат кутмайди. Шуниси билан ҳам у истеъдод саналади. Ўзбекнинг олтмишинчи йилларда шаклланган фикрловчи қисми Абдулла Орипов шеърияти таъсирида дунёга келган деб бемалол айтиш мумкин.

Истеъдод — Яратганнинг инъоми. Истеъдодли шахс ўздан кечиб бу инъомдан фойдаланиши ҳам мумкин, юксак илоҳий марҳаматни ўткинчи ҳою ҳавасларга қурбон қилиш ҳам унинг ихтиёрида. Мана шу ўринда шахс бутунлиги ҳал қилувчи ўрин тутади. Миллий шеъриятимиз бахтига ижодининг энг гуллаган авж паллаларида Абдулла Орипов шахслигини сақлаб қола билди. «Қалбига доир» бўлганлиги учун ҳам унинг шеъриятида тасвирланган туйғулар миллатнинг

руҳига кўчди, табиатига дўнди. Шоирнинг аксар шеърлари кишида улар ёзилмаган, балки кўнгилни ёриб дунёга келгандай таассурот қолдиради.

Абдулла Орипов шеърларидаги беадад самимият, туйғулар чинлиги кишини ўзига асир қилади. Шоир шеърлари кайфият ва ҳиссиётнинг беихтиёр яхлит образларидир. У ўз кўнглини, бинобарин, инсон туйғуларини, ҳиссиётини шу қадар чуқур билади ва ифода эта оладики, бутун-бутун шеърлар эмас, балки айрим мисраларнинг ўзиёқ шеърхонда муайян кайфият ҳосил қилади:

«Асаблар тупроққа чўккан эди тиз»
ёки
«Йироқ-йироқлардан мунгли ва узун
Турналар товушин тинглардим фақат»
ёхуд
«Сонсиз эгатларга сочилмиш, ана,
Менинг орзуларим, менинг ўйларим»
ёинки
«Шабнам шовуллайди боғлар қўйнида
Салқин туман ичра бўзарар тонглар,
Қуёшнинг эринчак ёғдуларида
Нафис ялтирайди барги хазонлар»
ё бўлмаса
«Қаро сочларингда оппоқ аланга»

сингари сатрлар чин инсоний сезимларнинг яхлит ва таъсирчан ифодаси эканлиги билан дилни ром этади.

Абдулла Орипов шеърияти муросасиз шахснинг ёлқини ва ирқорларидир. Одамларга улкан муҳаббат туйған шоир уларни комил кўрмоқ истайди. Одамларнинг адоқсиз нуқсонлару иллатлар оғушида эканлиги, уларнинг бу иллатларни тарк этишга ошиқмаётганлиги шоирни қийнайди. Шу боис у қоинот саркори бўлмиш ҳазрати одамдан ёзғиради.

«Мукаммал кўрмоқчи бўлдик дунёни,
Етук бўлолмадик ўзимиз бироқ,

— дейди бир шеърида. Одамни камчилик ва нуқсонлардан холи кўрмоқ истаган шоирга бахтли яшаш учун оламни тузатиш керак деб ўргатишганди. Лекин шоир кўнгли билан одамни ўзгартирмай, мукаммал дунё қуриб бўлмаслигини сезиб турарди. Абдулла Орипов шеърларида муросасизлик ҳисси кучли эканлиги шундан. Лекин унинг нафрати одамнинг ўзига эмас, балки иллатларига қаратилади. Шунинг учун ҳам шоир ёзади:

«Йўқ, маймундан тарқамаган дердим одамзод». Аммо унинг некбин умидлари инсон иллатлари олдида пучга чиқаверади. Одамзот қабоҳат бобида ўзининг нечоғлик «камолот»га эришганини ҳар қадамда кўрсатаверади. Бу ҳол улкан муҳаббат соҳиби бўлмиш шоирда умидсизлик уйғотади:

Таъна қилмай ахир севгим мукофотини
Инсон учун минг оташда куяр эдим мен.
О, қанчалар севар эдим инсон зотини,
Қандай буюк муҳаббат-ла суяр эдим мен.
Бугун тўниб атрофимга қарайман секин,
Ўт беролмас қалбга энди у ёшлик дамлар,
Мен инсонни бир инсондай севардим, лекин
Нечун кўпдир ҳалигача разил одамлар.

Инсонга бўлган муҳаббатнинг ўтган замонда ифода этилаётгани, яъни йўқотилганлиги, аламмангиз иқрор замиридаги самимият кишини беихтиёр ром этади, унинг ҳиссиётини безовта қилади. Безовталик, қониқмаслик шеърхонни ўзини тафтиш қилишга олиб келади. Тафтиш эса покланиш йўлидаги дастлабки бекатдир.

